

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

УМИРЗАКОВА НАРГИЗА АКМАЛОВНА

**ТАЪЛИМНИ ИНСОНПАРВАРЛАШТИРИШ КОНТЕКСТИДА
БИОЭТИКАНИНГ ОНТОЛОГИК ВА ГНОСЕОЛОГИК
ЖИҲАТЛАРИНИНГ МЕТОДОЛОГИК ТАҲЛИЛИ**

09.00.01 – Онтология, гносеология ва мантиқ

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract
of the doctor of philosophy (PhD) on philosophical sciences**

Умирзакова Наргиза Акмаловна

Таълимни инсонпарварлаштириш контекстида биоэтиканинг онтологик ва
гносеологик жиҳатларининг методологик таҳлили..... 5

Умирзакова Наргиза Акмаловна

Методологический анализ онтологических и гносеологических аспектов
биоэтики в контексте гуманизации образования..... 23

Umirzakova Nargiza Akmalovna

Methodological analysis of ontological and gnoseological aspects of bioethics in the
context of humanization of education 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications..... 46

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

УМИРЗАКОВА НАРГИЗА АКМАЛОВНА

**ТАЪЛИМНИ ИНСОНПАРВАРЛАШТИРИШ КОНТЕКСТИДА
БИОЭТИКАНИНГ ОНТОЛОГИК ВА ГНОСЕОЛОГИК
ЖИҲАТЛАРИНИНГ МЕТОДОЛОГИК ТАҲЛИЛИ**

09.00.01 – Онтология, гносеология ва мантик

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Fal291 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мухамедова Замира Мухамеджановна**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Раматов Жуманиёз Султонович**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Ғаффарова Гулчехра Гуламжановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент Педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги **DSc.03/30.12.2019.F.01.05 рақамли** Илмий кенгашнинг 2022 йил «_19_» _май_ соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, **5-кават, 511-хона**. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ рақамли реестр баённомаси).

И.Саифназаров,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

Г.М.Рузматова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа фанлари доктори, профессор

О.Дж.Нишонова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ядровий курулганиш, экологик бўҳрон, антропогенетик пандемия каби инсон борлигини емирувчи салбий омиллар кучайган бир пайтда, тиббиёт соҳаси дегуманизацияси сабабли келиб чиқаётган зўравонлик ва тоталитаризмнинг янги шакллари бўлмиш инсонлар устида тажрибалар, инсон аъзо ва тўқималари манипуляцияси, одам селекцияси, насл қолдиришда табиий хусусиятларнинг айниши, эркак ва аёл жинси табиийлиги трансформацияси, янги касалликлар пайдо бўлиши, шу жумладан, COVID-19 вируси пандемияси каби ҳодисалар ҳозирги кунда инсон борлиги ва келажагига хавф солмоқда. Борлиқнинг турли шакллари бўлмиш – атроф-муҳит, ижтимоий-маданий соҳалар, инсон, унинг онги, соғлиги ва табиатига илм-фан технологиялари таъсири тобора тезлашиб бораётган ушбу даврда, келажак жамият учун мутахассисни қандай тайёрлаш керак? деган савол янгича назарий ва методологик жавобларни кутмоқда. Бу ҳол, ўз навбатида, таълимга, айниқса, тиббий таълимга алоҳида масъулият юклаб, XXI аср фалсафаси олдида бир қатор онтологик, гносеологик, аксиологик, эпистемологик, праксеологик муаммоларни қўйиб, янгича назарий ечимларни топишни тақозо этмоқда.

Жаҳон илм-фанида олиб борилаётган тадқиқотларга кўра, ҳозирги кунда биотиббий хавф-хатарларни англаш зарурати ҳар доимгидан ортди. Сабаби — янги биотиббий технологияларни амалиётда қўллаш натижасида ҳаёт ва ўлим чегарасида ўта қалтис, экзистенционал муаммолар пайдо бўлди. Шу боис, 1970 йилдан Америка, Франция, Италия каби бир қатор ривожланган мамлакатлар университетларида янги биотиббий технологияларнинг инсон борлигига таъсири ва уларнинг ахлоқий муаммолари кенг ўрганилиб, чигал масалаларни ҳал этиш мақсадида илк Биоэтика қўмиталари ташкил этилди. Шариат қонунлари давлат қонунлари даражасида амал қиладиган мусулмон давлати бўлган Эронда ҳам XX аср сўнгида трансплантация, мия ўлими мезони, терапевтик аборт¹ масалаларига доир бир қатор қонунлар қабул қилинганлиги дунёда биоэтикавий муаммоларни тадқиқ этиш долзарб тус олганлигидан далолат беради. Сунъий уруғлантириш, суррогат оналик, инсон аъзо ва тўқималари трансплантацияси, клон яратиш, эвтаназия ва шу каби зиддиятли, аввал бўлмаган муаммоларнинг юзага келиши янги, фалсафий-ахлоқий дунёқараш саналган, ўзида онтологик, гносеологик, экзистенциал, аксиологик ва антропологик рефлексияни бирлаштирган биоэтика фанида тадқиқ этила бошланди. Бу эса биоэтикани яхлит фалсафий таълимот сифатида шаклланиш қонуниятлари, муаммолари, онтологик, гносеологик жиҳатларини аниқлаш, эпистемологик ва антропологик асосларини тадқиқ этиш, бу борада илмий хулосалар бериш вазифасини кун тартибига қўймоқда.

¹ Мухамедова З.М. Исламская биоэтика в историческом аспекте (XX-XXI вв.) // Материалы Первого Национального конгресса по биоэтике с международным участием. – Ташкент: 2005. – С. 98-100.

Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини сақлаш, халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. 2018 йил «Трансплантация тўғрисида»², 2019 йил «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида»³ қонунларнинг қабул қилиниши юртимизда тиббиёт соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш, бемор ҳуқуқлари масалаларига эътибор янада кучайганлигидан далолат беради. «Тиббиёт соҳасида кенг қўламли ислоҳотлар олиб борилаётган айни пайтда, шифокор-бемор муносабатларида тиббиёт дегуманизацияси намоён бўлмоқда»⁴ ва «жамиятда соғлиқни сақлаш соҳасига нисбатан кўплаб норозилик ва эътирозларга сабаб бўлмоқда»⁵. Бу эса жамият борлиғида юзага келаётган муаммолар моҳиятини ўрганиш ҳамда уларнинг кўпёклама хусусиятларини аниқлашга қаратилган янгича назарий ечимларни топишни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 5 майдаги «Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2956-сон қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълим, шу жумладан, тиббий таълимни инсонпарварлаштириш масаласи фалсафа, социология, ҳуқуқшунослик, педагогика, ахлоқшунослик, ижтимоий психология, тиббиёт тарихи каби ижтимоий-гуманитар фанлар тадқиқот соҳасига тааллуқли саналади. Ушбу фан соҳалари қадимдан шаклланиб келган бўлсада, «инсонпарварлашув» тушунчаси фалсафий адабиётларда XIX аср охири - XX аср бошларида кўпроқ тадқиқ қилина бошланди.

² Ўзбекистон Республикасининг «Инсон органлари, тўқималари ва (ёки) ҳужайраларини трансплантация қилиш тўғрисида»ги қонуни. <https://lex.uz/docs>

³ Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида»ги қонуни. <https://lex.uz/ru/docs>

⁴ Умирзакова Н.А. Медиализация жараёнларининг жамият ҳаётига таъсири биоэтика муаммоси сифатида. // ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент, 2020. - Б.136-138.

⁵ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2019. – 508 б.

Кўпгина қадимги давр файласуфлари қарашларида таълим ҳодисаси жамият келажакини белгилайдиган омил сифатида ўрганилган. Жумладан, Пифагор, Сукрот, Афлотун, Аристотель, Демосфен каби антик давр файласуфлари қарашларида таълим олган киши жамият ҳаётини ўзгартиришга қодир кишига тенглаштирилган. Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари Абу Райҳон Беруний⁶, Абу Али ибн Сино⁷, Абу Наср Форобий⁸, Алишер Навоий⁹ фалсафий қарашларида инсон таълим жараёнида камол топиши, ахлоқ-одоби, инсонпарварлиги уни жамият учун керакли шахсга айлантириши ғояси билан тўлдирилган.

Тиббий ахлоқ ҳақидаги қарашлар моҳиятан тиббиётни инсонпарварлаштириш масаласига мос бўлиб, илк бор Гиппократ¹⁰, Гален¹¹ маънавий меросида содда шаклда ифода этилган. Шарқ мутафаккирлари Исҳоқ ибн Ал-Руҳовий¹², Закариё ал-Розий¹³, Абу Али Ибн Сино¹⁴лар «Одоб ал-табиб» ахлоқий қадриятлар тизимини яратдилар. «Одоб-ал-табиб»да шифокор одобига оид қарашлар ХХI аср биоэтикасига ҳам мос бўлгани диссертацияда ўрганилди.

Ғарбда биоэтиканинг фалсафий негизларига Аристотелнинг фазилатлар назарияси¹⁵, XVIII-XIX асрларда яшаган утилитаризм асосчилари бўлган инглиз файласуфлари Дэвид Юм, Иеремия Бентам, Джон Милль назариялари, Иммануил Кантнинг¹⁶ ахлоқий бурч ҳақидаги таълимотини киритиш мумкин.

«Биоэтика» атамасини 1969 йилда америкалик олим Ван Ранселлер Поттер ўзининг «Биоэтика – келажакка кўприк» («Bioethics: bridge to the future») китобида биологик билимлар билан умуминсоний қадриятларни мужассамлаштирган биоэтикани янгича дунёқараш, янги фан сифатида эътироф этиб, глобал биоэтика концепциясини илгари сурган ва янги дунёқарашни тарғиб қилган¹⁷.

Америкалик олим Андре Хеллегерс¹⁸ тиббиётнинг ахлоқий муаммоларини тадқиқ этиш билан бирга, янги фан саналган биоэтика бемор кадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилади, деган қарашга асос солган. Т.Л.Бошам ва Дж.Ф.Чайлдресс¹⁹ биоэтика тамойилларини ишлаб чиққанлар.

⁶ Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / А. Расулов тарж. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1966.

⁷ Абу Али Ибн Сина. Канон врачевой науки. – Ташкент: Фан, 1985. – Б.21-24.

⁸ Форобий А. Н. Фозил одамлар шахри. – Тошкент.: Халқ мероси, 1993.

⁹ Навоий Алишер. Хамса. – Тошкент: Шарқ, 1996.

¹⁰ Гиппократ. О благоприличии. // Этика и общая медицина. — СПб.: Азбука, 2001. — С. 72.

¹¹ Античная философия: Энциклопедический словарь. – М., 2008. – С. 250.

¹² Al-Ghazal, Sharif. none // Journal of the International Society for the History of Islamic Medicine. — 2004. - Т.3. - — С. 12-13.

¹³ Абу Бакр ар-Рази. Духовная медицина /Абу Бакр ар-Рази – Душанбе: Ирфон, 1990. – 88 с.

¹⁴ Абу Али Ибн Сина. Канон врачевой науки. Избранные разделы. – Тошкент.: Фан – 1985.

¹⁵ Аристотель. Соч. в 4 т., под ред. В.Ф.Асмуса, З.Н.Микеладзе, И.Д.Рожанского, А.И.Доватура. – М., 1975 – 84.

¹⁶ Кант И. Основоположения метафизики нравов // Кант И. Собр. соч.: В 8 т. Т. 4. – М., 1994. С. 195.

¹⁷ Potter, V. R. Global bioethics. Building on the Leopold Legacy / V. R. Potter. – Michigan: Michigan State University Press, 1988. – 203 p.

¹⁸ Hellegers A. Conceptual Foundations for the Ethics of Medical Care - In: Ethics and Health Policy. Cambridge, Ballinger publ. co., – 1981;

¹⁹ Beauchamp T.L., Childress J.F. Principles of biomedical ethics. 4-th ed. N.Y.1994. P. 347-546;

Америкалик Д.Каллахан²⁰, Э.Пеллегрини²¹, У.Т.Райх, Ж.Флетчер²², Т.Энгельгарт, германиялик Х.Йонас, франциялик Д.Грасиа, англиялик М.Чарльзворт, италиялик Э.Сгречча, В.Тамбоне каби хориж олимлари биоэтика бўйича фундаментал тадқиқот ишларини олиб боришган, 1993 йилдан бошлаб уларнинг илмий ишлари рус тилига таржима қилина бошланган.

Постсовет маконида 1990 йилларгача «биоэтика» атамасидан илмий адабиётларда фойдаланилмаган. МДХ олимлари Беляева Е.В., Гребенщикова Е.Г.²³, Иванюшкин А.Я.²⁴, Кубарь О.И., Кундиев Ю.И., Микиртичан Г.П., Мишаткина Т.В.²⁵, Нежметдинова Ф.Т., Пустовит С.В.²⁶, Седова Н.Н.²⁷, Силуянова И.В.²⁸, Тищенко П.Д.²⁹, Хрусталёв Ю.М.³⁰, Цырдя Т.Н., Юдин Б.Г.³¹, Яровинский М.Я., Яскевич Я.С. ўз илмий ишларида биоэтиканинг фалсафий асослари, мазмун-моҳияти ва долзарб муаммоларини кенг таҳлил ва тадқиқ этишган, уларнинг саъй-ҳаракатлари билан постсовет маконида биоэтика фан сифатида таълимга жорий этилган. Россиялик файласуф Б.Г.Юдиннинг фикрига кўра, биоэтика биотиббий технологиялар тараққиёти натижасида юзага келган ахлоқий ва ижтимоий муаммоларни ўрганадиган фанларро илмий билим соҳаси саналади.

Мустақиллик йилларида юртимиз олимлари Абдуллаева М.Н., Атамуратов С., Иззетова Э.М., Мухамедова З.М., Назаров Қ., Раматов Ж.С., Саифназаров И.С., Туленов Ж.Т., Файзуллаев О., Хайруллаев М.М., Шермухамедова Н.А., Гаффорова Г.Ф.³² томонидан илм-фан, таълим феноменлари ўрганилган бўлиб, таълимнинг жамият тараққиётидаги ўрни, таълим моделлари, таълим модернизацияси, таълимнинг ахлоқий-аксиологик, ижтимоий-фалсафий асослари таҳлил этилган. Мухамедова З.М. таълим ходисасини фалсафий ўрганиб, Ўзбекистонда таълимни инсонпарварлаштириш зарурлиги ғоясини илгари сурган ва Ўзбекистон таълим тизимида биоэтикани ижтимоийлаштириш ходисасини тадқиқ этган.

²⁰Callahan Daniel. Tysanny of survival. New York. 1973.

²¹ Пеллегрини Э. Медицинская этика в США: настоящее и будущее // Человек. 1990. - №2.

²² Fletcher J.C. The Bioethics Mowement and Hospital Ethics Comitetes // Matyland Law Review. 1991. № 50.

²³Гребенщикова Е.Г. Философско-методологическое обоснование трансдисциплинарной парадигмы в биоэтике. Автореф.дисс. на соискание уч. Степени док-ра..., 2012.

²⁴ Иванюшкин А.Я. Профессиональная этика в медицине. АМН СССР. – М.: Медицина, 1990. – С. 220.

²⁵ Мишаткина Т.В. Биомедицинская этика. Минск.: ТетраСистемс. – 2003. – С.320.

²⁶ Пустовит С.В. Глобальная биоэтика: становление теории и практики. (философский анализ). – К.: Арктур-А. 2009.

²⁷ Седова Н.Н. Биоэтика. Учебник. – М.: КНОРУС, 2016. – С.216.

²⁸ Силуянова И.В. Биоэтика в России: ценности и законы. Биоэтика – порождение цивилизации конца XX века. Её возникновение. М.: 2012. – С.177.

²⁹ Тищенко П.Д. Биоэтика как форма социально распределённого производства знания. // Знание.Умение. Понимание . 2010. №2.

³⁰ Хрусталёв Ю.М. Биоэтика. Философия сохранения жизни сбережения здоровья. 2012. - С.400.

³¹ Юдин Б.Г. Введение в биоэтику. – М.: - 1998.

³² Отамуратов С.О., Отамуратов С.С. Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш. - Тошкент.: Янги аср авлоди, 2003; Раматов Ж.С. Новый подход в системе высшего образования в Узбекистане. // Психология, социология и педагогика – М.: 2018. №4. – С.3-7.; Шермухамедова Н.А. Юксак маънавиятли мутахассислар-давлатимиз ривожининг хал қилувчи кучи. // “Фалсафа ва ҳуқуқ” журнали. 2017 йил 2-сон, 183-186-бетлар.; Шермухамедова Н.А. Таълим фалсафаси. – Тошкент, Адолат уққунлари, 2018. – Б.144.

Шунингдек, олимлар Абдуллаходжаева М.С., Асадов Д.А., Атаханов Ш.Э., Загриддинова Ф.Б., Рустамова М.Т.³³ томонидан биоэтика муаммолари илмий ўрганилди, биоэтиканинг долзарб масалаларига оид бир қанча халқаро илмий-амалий анжуманлар ташкил этилди. Шу тарзда Ўзбекистонда 2000 йилдан биоэтиканинг институционализацияси бошланди. Тадқиқот ишимизнинг ўзига хослиги шундаки, унда замонавий жамият медицинализацияси шароитида тиббиёт дегуманизацияси тенденцияларининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистонда таълим соҳасини инсонпарварлаштириш парадигмаси асосланди, биоэтика фанининг эпистемологик тизими, онтологик ва гносеологик жиҳатлари фалсафий-методологик таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Фалсафа тарихининг замонавий назарий-методологик муаммолари» ва «Мантиқ: тарихи ва замонавий муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади – «биоэтика» фанининг онтологик, гносеологик жиҳатларини методологик таҳлил қилиш асосида таълим соҳасини инсонпарварлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«биоэтика» фанининг фалсафий-ахлоқий негизлари эволюциясини очиб бериш, фан сифатида пайдо бўлиши сабаблари, ривожланиши қонуниятлари, ўзига хос принциплари, ўрганадиган муаммолари ҳамда таълимни инсонпарварлаштиришда биоэтиканинг вазифаларини аниқлаш;

биоэтиканинг эпистемологик тизимини фалсафий-методологик ўрганиш асосида онтологик ва гносеологик жиҳатларини очиб бериш;

биоэтиканинг миллий модели шаклланиши генезисини ўрганиш ҳамда замонавий техноген тиббиётда инсон ҳаёти кадр-қимматини янгича энвайронментал онг асосида ҳимоя қилиш, таълимда аксиологик рефлексия асосида инсонпарварлик моҳиятга эга янги тиббий-гуманитар парадигмани шакллантириш ва таълимни инсонпарварлаштиришда биоэтиканинг ўрнини очиб бериш;

замонавий тиббиёт дегуманизациясини келтириб чиқараётган тенденцияларни аниқлаш ҳамда жамият медицинализацияси жараёнларини

³³ Атаханов Ш.Э., Мухамедова З.М. Актуальность введения курса биоэтики в высшую школу РУз. / Материалы 1-го национального конгресса по биоэтике РУз. – Ташкент.: 2005. – С.88-89.

Нажметдинова Д.К., Мухамедова З.М. Проблема биоэтики в контексте нравственного компонента медицинских знаний будущего врача. – Ташкент. – С. 100-103.

Рустамова М.Т. Этическое образование студентов медицинских институтов и его значение в защите прав пациентов, – Ташкент.: – С. 105-106.

Abdullakhodjaeva M.S., Mukhamedova Z.M., Rustamova M.T. Avicenna and the ethics of science and technology today. UNESCO, France.: 2006.

Загрытдинова Ф. О биомедицинских этических проблемах. – Ташкент.: 2005. – С.131.

Мухамедова З.М. Введение в биоэтику. – Ташкент.: 2004. – С.110.

Мухамедова З.М. Биоэтика. – Ташкент.: 2006. – С.148.

Загрытдинова Ф. Этика. Учебник. – Ташкент.: Чолпон. 2005. – С.134.

фалсафий ўрганиш асосида тиббий таълимни инсонпарварлаштиришнинг назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида таълимни инсонпарварлаштириш контекстида биоэтика фани ташкил этади.

Тадқиқот предметини биоэтика фанининг генезиси, онтологик ва гносеологик жиҳатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг қиёсий таҳлил, тизимли таҳлил, анализ, синтез каби умумилмий ва умумфалсафий усуллар ҳамда тарихийлик, мантиқийлик тамойилларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фундаментал-интегртив ва тизимли-интеграция принципларига таянган ҳолда «биоэтика» фани очиқ чизиксиз, ўз-ўзини ташкил этувчи тизимларга тааллуқли бўлган тирик материя, онг шакллари, Биота ва Социум қонунларини ўрганиши, жамият ва биоэтика синергетик хусусиятларининг диалектик ўзаро таъсири сабабли ривожланиши, таълимни инсонпарварлаштиришда «биоэтика» фани эоцентристик ва биоцентристик дунёқараш шакллантириши, гносеологик-холистик, биоахлоқий-тарбиявий, витал-аксиологик, ноосферик-праксеологик вазибаларни бажариши асосланган;

инсон танаси ва руҳи яхлитлиги, соғлиқ ва касаллик, тириклик, туғилиш, ҳаёт ва ўлим «биоэтика» фанининг онтологик жиҳатларини ташкил этиши, ген инженериялари (сунъий уруғлантириш, суррогат оналик, клон яратиш) ва замонавий биотиббий технологияларнинг инсон борлиғига таъсирининг ахлоқий муаммолари (инсон аъзолари трансплантацияси), ҳаёт ва ўлим чегаралари трансформациясига сабаб бўлаётган антропологик ва экзистенциал (кома, эвтаназия) масалалар биоэтиканинг гносеологик жиҳатлари эканлиги очиб берилган;

замонавий техноген тиббиётда инсон ҳаёти кадр-қиммати, соғлиқ, шахс автономияси, бемор ҳуқуқлари масалалари, инсон экологиясига янги биотиббий технологияларнинг таъсирлари сабабли «биоэтика» фани беморнинг жисмоний ва руҳий яхлитлигини таъминлаши, ахлоқий, ҳуқуқий томонларни инсонийлик қадриятлари билан уйғунлаштириши, янгича энвайронментал онг асосида ҳимоя қилиши ҳамда таълимда аксиологик рефлексия асосида инсонпарварлик моҳиятига эга янги тиббий-гуманитар парадигмани шакллантириши асосланган;

«биоэтика» фани эпистемологик тизимини ташкил этган «шахс автономияси», «хабардорликка асосланган розилик», «адолат» каби инсонпарварлик тамойиллари, деонтологик услуб ва «зиён етказма», «яхшилик қил», «шифокор-бемор ўзаро ҳамкорлиги» моделлари каби тиббий-фалсафий концепциялари жамият медицинализацияси ҳамда тиббиёт дегуманизацияси шароитида тиббий таълимни инсонпарварлаштиришда муҳим омил эканлиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Биоэтиканинг онтологик ва гносеологик жиҳатларининг методологик таҳлилига кўра, бўлажак шифокорларнинг муҳим ижтимоий фазилатларини

шакллантириш, таянч умуммаданий компетенцияларни тарбиялаш, касбий бурч ва вазифаларини инсонпарварлик тамойил ва услублар асосида олиб бориш кўникмаларини ҳосил қилиш ва мустаҳкамлашда тиббий таълимда биоэтика фани муҳим аҳамиятга эгаллиги аниқланган. Биоэтика фалсафий фан сифатида дунёқараш, гносеологик, онтологик, аксиологик, ахлоқий-тарбиявий ва праксеологик вазифаларни бажаради ҳамда тиббий таълим, тиббий хизмат соҳаларини инсонпарварлаштириш ва оптималлаштиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда кузатилаётган тиббиёт дегуманизацияси тенденцияларини олдини олиш ва бартараф этиш, янги биотиббий технологияларни қўллаш натижасида юзага келаётган ахлоқий, ҳуқуқий, ижтимоий-маданий муаммоларни ҳал этиш ҳамда тиббиётнинг асл инсонпарварлик моҳиятини сақлаб қолишда биоэтикавий билимлар ва биоэтикавий дунёқараш зарурлиги таҳлил этилган. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда тиббий таълим модернизацияси ҳамда тиббиёт сифатини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналлар ва конференцияларда чоп этилган мақолалар мазмуни, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти «Фалсафа», «Биоэтика», «Этика», «Социология», «Ҳуқуқшунослик», «Фалсафа тарихи», «Диншунослик», «Психология», «Тиббиёт тарихи» фанлари бўйича маъруза матнлари, дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш, шу мавзуларга оид илмий, назарий-фундаментал тадқиқотларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ва тавсиялардан тиббий таълимда, шифокор ва тиббиёт ходимларининг малака ошириш ва қайта таёрлаш курсларида фан сифатида ўқитиш орқали янги авлод шифокорларининг биоэтикавий дунёқарашини шакллантириш ҳамда уларда инсонпарварлик тамойилларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан изоҳланади. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали замонавий тиббий муаммолар билан боғлиқ мавзуларни ёритиш, фуқароларнинг тиббий ва ҳуқуқий онгини ошириш, аҳолининг тиббий ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда кенг жамоаларда илмий-маърифий тадбирлар ташкил этишда фойдаланилиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таълимни инсонпарварлаштириш контекстида биоэтиканинг онтологик ва гносеологик жиҳатларининг методологик таҳлили бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

фундаментал-интегратив ва тизимли-интеграция принципларига таянган ҳолда «биоэтика» фани очик чизиксиз, ўз-ўзини ташкил этувчи тизимларга тааллуқли бўлган тирик материя, онг шакллари, Биота ва Социум қонунларини ўрганиши, жамият ва биоэтика синергетик хусусиятларининг диалектик ўзаро таъсири сабабли ривожланиши, таълимни инсонпарварлаштиришда «биоэтика» фани экоцентристик ва биоцентристик дунёқараш шакллантириши, гносеологик-холистик, биоахлоқий-тарбиявий, витал-аксиологик, ноосферик-праксеологик вазифаларни бажаришига оид илмий янгилик «Биоэтика» номли ўқув қўлланмада ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 676-сонли буйруғи, 676-648 – сон нашр гувоҳномаси). Натижада биоэтика фанининг тамойил, услуб ва ёндашувлари тиббий таълимнинг «Тиббий биологик иш» (5510900) учун тайёрланган ўқув қўлланмада, «Профессионал таълим» (5111000), «Тиббий профилактика иши» (5510900), Даволаш иши (5510100), «Биотиббиёт муҳандислиги» (5313000), «Педиатрия иши» (5510200) таълим йўналишлари учун намунавий «Биоэтика модуль дастур»ларида (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги 2020 йил 8 сентябрдаги 236-сонли буйруғи)да акс этган ҳамда Ўзбекистонда тиббий таълимни такомиллаштиришга хизмат қилган;

инсон танаси ва руҳи яхлитлиги, соғлиқ ва касаллик, тириклик, туғилиш, ҳаёт ва ўлим «биоэтика» фанининг онтологик жиҳатларини ташкил этиши, ген инженериялари (сунъий уруғлантириш, суррогат оналик, клон яратиш) ва замонавий биотиббий технологияларнинг инсон борлиғига таъсирининг ахлоқий муаммолари (инсон аъзолари трансплантацияси), ҳаёт ва ўлим чегаралари трансформациясига сабаб бўлаётган антропологик ва экзистенциал (кома, эвтаназия) масалалар биоэтиканинг гносеологик жиҳатлари эканлигига оид илмий янгиликдан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги «Маҳалла ва оила» илмий тадқиқот институти фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги «Маҳалла ва оила» илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 14 декабрдаги 01-11/281-сон далолатномаси). Биоэтиканинг онтологик ва гносеологик жиҳатларига оид таҳлилий ва илмий хулосаларидан методик манба сифатида маҳалла мутахассислари иш режаси тузишда, оиладаги шароитларни ўрганиш ва тадбирлар ўтказишда фойдаланган. Натижалар замонавий оила муаммолари ечимларига хизмат қилган;

замонавий техноген тиббиётда инсон ҳаёти қадр-қиммати, соғлиқ, шахс автономияси, бемор ҳуқуқлари масалалари, инсон экологиясига янги биотиббий технологияларнинг таъсирлари сабабли «биоэтика» фани беморнинг жисмоний ва руҳий яхлитлигини таъминлаши, ахлоқий, ҳуқуқий томонларни инсонийлик қадриятлари билан уйғунлаштириши, янгича энвайронментал онг асосида химоя қилиши ҳамда таълимда аксиологик рефлексия асосида инсонпарварлик моҳиятига эга янги тиббий-гуманитар парадигмани шакллантириши тўғрисидаги илмий янгиликдан Ўзбекистон

Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика Аҳоли Репродуктив саломатлик маркази фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 30 декабрдаги 0809/21549-сон маълумотномаси). Натижалар тиббий кадрларнинг касбий ахлоқий компетенцияларини ривожлантириш, тиббий таълим соҳасини оптималлаштириш, тиббиёт ва соғлиқни сақлаш соҳасини биоэтизация ёрдамида такомиллаштиришга, янги биотиббий технологияларни амалиётга жорий этиш ҳамда аҳоли тиббий маданиятини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини биоэтизация ёрдамида оптималлаштиришга хизмат қилган;

«биоэтика» фани эпистемологик тизимини ташкил этган «шахс автономияси», «хабардорликка асосланган розилик», «адолат» каби инсонпарварлик тамойиллари, деонтологик услуб ва «зиён етказма», «яхшилиқ қил», «шифокор-бемор ўзаро ҳамкорлиги» моделлари каби тиббий-фалсафий концепциялари жамият медицинализацияси ҳамда тиббиёт дегуманизацияси шароитида тиббий таълимни инсонпарварлаштиришда муҳим омил эканлиги тўғрисидаги илмий янгиликдан Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази; Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси иш фаолиятида фойдаланилган (Фуқаролик жамиятини ривожлантириш марказининг 2021 йил 11 мартдаги 03/89-сон далолатномаси; Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгашининг 2021 йил 25 июндаги 01-05/222-сон маълумотномаси). Натижалар фуқаролик жамияти институтлари дастурларини такомиллаштириш, биоэтизация ёрдамида соғлиқни сақлаш соҳаси хизматларини оптималлаштириш, аҳоли тиббий маданиятини ошириш, замонавий ҳамда халқаро талабларга жавоб берадиган ижтимоий хизмат стандартларини амалиётга жорий этиш, Ўзбекистонда тиббий маданиятни юксалтириш бўйича 2021-2025 йилларга мўлжалланган Миллий дастур лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳамда таълим соҳасини инсонпарварлаштириш орқали Ўзбекистонда тиббий таълимни такомиллаштиришда хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 16 та халқаро, 32 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 70 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та монография, 1 та патент, атамалар луғати, ўқув қўлланма Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 22 та мақола (6 таси Республика, 16 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 132 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

«Кириш» қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, объекти, предмети, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилишига доир маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Биоэтиканинг эпистемологик тизими, онтологик ва гносеологик жиҳатларининг методологик таҳлили»** деб номланган биринчи бобида биоэтика юзага келишида фалсафий-ахлоқий негизларнинг ривожланиш диалектикаси таҳлил этилди. Биоэтиканинг дунёқараш ва фан сифатида пайдо бўлиши, шаклланиши тасодифий рўй бермаганлиги, бир қанча зарурий омиллар, шарт-шароитлар, объектив сабаблар таъсири оқибатида юзага келгани далилланди ҳамда унинг эпистемологик тизими, онтологик ва гносеологик жиҳатлари фалсафий-методологик таҳлил этилди.

Биоэтиканинг назарий ва фалсафий негизларига, бизнинг фикримизча, Аристотелнинг фазилатлар назарияси, И.Кантнинг ахлоқий бурч ҳақидаги таълимоти, эзгулик тўғрисидаги утилитаристик концепциялар, натуралистик ахлоқ назарияси, У.Д.Росснинг ахлоқий мажбуриятлар назарияси, Дж.Ролзнинг адолат назарияси, постмодернизм этикасининг баъзи таълимотларини киритиш мумкин, бу таълимотлар биоэтика шаклланишида назарий пойдевор ҳисобланиши ўрганилди.

Биоэтика ривожда В.Р.Поттер шахси ва ғояларининг аҳамияти алоҳида ўринга эга, чунки у замонавий фанлараро йўналиш ҳисобланган биоэтиканинг дунёқараш ва метаэтик шарт-шароитлари, тамойиллари ва нормаларини ифодалаган, шу орқали уларни амалиётга татбиқ этиш учун назарий ва услубий замин яратган. В.Р.Поттернинг сўзларига кўра, «икки маданият - табиий-илмий ва гуманитар соҳаларнинг бирлашиши туфайли ахлоқ янада амалий ва самарали, фан эса ахлоқий бўлиши мумкин»³⁴.

В.Р.Поттер инсон саломатлигини сақлаш муаммоларини самарали ҳал қилиш учун биологик ва гуманитар фанларни бирлаштириш керак, деб ҳисоблайди. Бутун инсониятнинг яшаб қолиши, кенг маънода, Ердаги ҳаётни сақлаб қолиш учун биоэтика муаммоларини тадқиқ ва таҳлил этиш зарур, деб таъкидлайди В.Р.Поттер. Бундай қараш мазмунини барчани инсонийликка ундаш, инсонпарварликка чақириш, деб баҳолашимиз мумкин. Шу билан бирга, ушбу бобда бугунги кунда биология ва тиббиёт фанларининг ютуқларини қўллаш жиддий хавф-хатарларни юзага келтираётгани, шу сабабдан уларнинг онтологик ва гносеологик жиҳатларини методологик таҳлил қилиш ва ахлоқий ўрганиш долзарб эканлиги асосланди ҳамда қуйидаги хулосалар берилди:

³⁴ Potter V. R. Bioethics, science of survival / V.R.Potter. // Persp. biol. med.,1970. - № 14. – P. 127-153.

биринчидан, оламни билиш билан боғлиқ илмий билим соҳаларида юз берган инқилобий кашфиёт ва янгиликлар; илм-фан табиатининг ўзгариши ва биотехнологияларнинг нафақат кашф қилиниши, балки, уларнинг ҳаётга жорий этилиши; инсонни фанлараро ва комплекс ўрганиш; маданий кадриятлар ўзгариши кабилар биоэтика шаклланишига сабаб бўлди. Биология ва тиббиёт соҳаларининг янгилик ҳамда кашфиётларининг аҳамияти, улардан фойдаланиш жараёнида инсон ҳаётида назоратдан четда қолган хавф-хатарлар пайдо бўлиши ўртасидаги зиддиятларни ҳал этиш зарурияти биоэтиканинг дунёқараш омилига айланди.

Иккинчидан, биоэтикавий тадқиқотлар олиб боришда ва фан сифатида унинг хусусиятларини аниқлашда турли хилдаги (табiiй, гуманитар, фалсафiiй) билимларнинг таҳлили методологик жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга. Биоэтика ўзида рационал ва нораціонал, назарий ва амалий билимлараро муносабат ва боғланишлардан келиб чиқадиган, махсус билимлар доирасида ҳал этила олмайдиган, зиддиятли муаммоларнинг турли жиҳатларини ўзида акс эттиради.

Учинчидан, биоэтика амалий фалсафа бўлиб, фан сифатида онтологик, гносеологик, аксиологик, методологик ва тарбиявий, шунингдек, таълим субъектларига инсон ҳаёти билан боғлиқ чигал, зиддиятли масалаларни ҳал этиш, касбий компетенцияларни такомиллаштириш ва амалиётда қўллаши учун праксиологик вазифаларни бажаради. Биоэтика замонавий фалсафiiй антропология ва экзистенциал билимларни тадқиқ ва таҳлил этади. Биоэтикада ҳаёт ва ўлим чегаралари, эмбрион мақоми, инсон кадр-қиммати, инсон ҳуқуқлари, адолат тамойили, шахс автономияси, бемор ҳуқуқи, ўлиш ҳуқуқи, эвтаназия, тана ва руҳ яхлитлиги каби бир қатор масалалар, инсон борлиғи, инсон моҳияти, унинг ҳаётини билишга қаратилган масалалар билан чамбарчас боғлиқлиги ўрганилди.

Тўртинчидан, биоэтиканинг онтологик ва гносеологик жиҳатлари замонавий тиббиётда рўй бераётган янгилик ва кашфиётлар, янги биотиббiiй технологияларнинг инсон борлиғига таъсири ҳамда уларнинг ахлоқiiй, динiiй, ҳуқуқiiй муаммоларини қамраб олади, ечимини излайди, ҳал этиш йўлларини аниқлайди.

Юқорида кўриб чиқилган таърифлардан биоэтиканинг қуйидаги эпистемологик тизими ва гносеологик жиҳатларини аниқладик:

1) биоэтиканинг мақсади – Ердаги тириклик, ҳаёт, инсон, унинг соғлиғи, яъни инсон борлиғини ҳимоя қилиш;

2) биоэтикада ахлоқiiйлик қисми устувор бўлиб, у аксиологик вазифани бажаради, яъни ҳар бир инсон, ҳар бир тириклик кадр-қимматга эга ва у кадрланиши шарт;

3) биоэтика фалсафа, тиббиёт, биология ва инсон ҳақидаги барча фанлар билимлари интеграцияси асосида фанлараро билим соҳаси саналади. Биоэтика фалсафiiй ва фалсафiiй-илмiiй билимнинг турли усулларини қўллайди ҳамда ўз тамойилларига эга;

4) Коинот, Биота ва Социумда намоён бўлаётган, инсоннинг жонли ва жонсиз табиат объектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда юзага келаётган, энг мураккаб муаммоларни тушунишга қаратилганлиги – биоэтиканинг фалсафий фан сифатида энг муҳим жиҳати саналади.

5) биоэтикада ахлоқий муносабатларнинг марказий объекти ва субъекти бўлиб инсон ва унинг борлиғи, биология ва тиббиёт кашфиётлари билан боғлиқ ҳолда юзага келаётган ҳаёт ва ўлим чегарасидаги масала ва муаммолар, тириклик ва келажак саналади.

«Биоэтика фанлараро билимлар соҳаси бўлиб, тиббий, биологик фанларнинг жадал ривожланиши ва уларни соғлиқни сақлаш ва юқори технологиялар соҳасига жорий этиш оқибатида пайдо бўлган фалсафий ва ахлоқий муаммоларнинг кенг доирасини ўз ичига қамраб олади»³⁵, деб П.Д Тищенко томонидан таклиф этилган таъриф диққатга сазовор.

Биоэтиканинг касаллик, ўлим ва янги тиббиёт технологияларининг оқибатларини маданий жараёнларга таъсири муаммолари билан қизиқиши мамлакатимизда ижтимоий антропологияни замонавий талқин этиш ва ривожлантириш учун имкониятлар очади. Замонавий фан ва таълимнинг бу янгиликлари универсал ҳуқуқ ва шахс эркинлиги масалаларига ўз таъсирини ўтказди, бу таълим соҳасини оптималлаштиришни тақозо этади. Шу боис, «биоэтика» фани орқали таълимда халқаро ҳуқуқ нормалари ва мамлакат қонунлари, миллий ва диний анъаналар, либераллик ва инсонийлик нормаларига мурожаат қилиш талаб этилади, янги авлод мутахассисларини тайёрлашда бу самара беради. Биоэтика замонавий тиббиёт, табиатшунослик фанларининг фундаментал ютуқлари ва ижтимоий-гуманитар фанлар интеграцияси ва синтезининг ноёб шакли бўлиб, бу омиллар биоэтикани фалсафий фан деб аташга асос бўлади, у ижтимоий фанлар тизимида муносиб ўринга эгаллиги тадқиқот ишида асосланди. Ушбу фаннинг Ўзбекистон тиббий таълим соҳасига жорий этилиши шу заминда яшаб, бизга улкан маънавий, илмий, ахлоқий, фалсафий-диний мерос қолдирган улуғ, доно аждодларимиз ишларининг мантиқий давомига айланади. Шу боис, биоэтиканинг миллий модели генезиси тадқиқ ва таҳлил этилди ва Ўзбекистонда таълим соҳасини инсонпарварлаштириш парадигмаси илгари сурилди.

Диссертациянинг «**Биоэтиканинг миллий модели генезиси ва ривож (Ўзбекистон мисолида)**» деб номланган иккинчи бобида биоэтика миллий моделининг шаклланиш генезиси ва тарихи ўрганилди. Шарқ тиббиётида фалсафий-диний қарашлар ва биоэтикавий анъаналар диалектикаси Авесто, Аюрведа, буддизм дини мисолида тадқиқ этилди. Мусулмон биоэтикаси маънавий асосини ташкил этган мумтоз манбалардан бири, тиббий ахлоққа оид илмий мерос Исҳоқ ибн ал-Руҳовий, Закариё ал-Розий, Абу Али ибн Сино, Маъмун Ар-Рашид каби мутафаккирлар томонидан яратилган «Одоб ал-табиб» саналади. Унда ифодаланган қадимги билимлар XX аср биоэтикасига ҳам мос келиши тадқиқот ишида ўрганилди. Ўрта Осиё халқларининг ахлоқ

³⁵ Тищенко П.Д. О множественности моральных позиций в биоэтике. // Человек. №1. 2008. – С.83-91.

кодекси, Кайковуснинг «Қобуснома» асари, Ибн Синонинг «Ахлоқ тўғрисида» рисоласи, Арузи Самаркандийнинг «Чор суҳбат» китоби, Содик Қошғарийнинг «Шарқ одоб-ахлоқ қоидалари» («Одоб-ул-солиҳийн») ва бошқа асосий услубий манбаларда биоэтика миллий моделининг ментал илдизлари акс этган.

Ўзбекистон тарихан юзага келган кўп конфессияли, кўп миллатли жамиятдан иборат, яъни бу заминда турли эътиқодга эга 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Бундай маконда маданий, диний, миллий плюрализмни ҳурмат қилиш, миллатлараро ҳамжиҳатликка асосланиш шарт. Шундагина глобал этика қадриятлари томон бирга олға бориш мумкин бўлади.

Биламизки, Марказий Осиё ҳудудида истиқомат қилаётган аҳолининг аксарияти, асосан, ислом динига эътиқод қилади. Бугунги кунда шу мусулмон аҳлини ҳам замонавий тиббиёт ютуқларини ҳаётда қўллашга оид турли саволлари жавобсиз қолмоқда. Масалан, оилада бепуштлиқ муаммосини ЭКУ ёрдамида ҳал этиш эътиқодга путур етказмайдами, бундай усул ёрдамида фарзанд кўриш зино ҳисобланмайдами? Агар аёлнинг бачадони олиб ташланган бўлса, суррогат она хизматидан фойдаланиши мумкинми? Ёки трансплантация соҳасига оид саволлар: аъзо ёки тўқимани кўчириб ўтказишда бегона инсон донор бўлса, унинг танасидаги аъзо реципиентга гуноҳларини ҳам ўтказиб, уни ҳам шу гуноҳларига шерик қилмайдами? Мурдадан аъзо ёки тўқимани кўчириб ўтказиш қанчалик тўғри? Мурданинг ўз танасига ҳуқуқи сақланадими? каби бир қанча саволлар бор. Амалдаги, 2021 йил 21 апрельда ўзгартиришлар киритилган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонунида беморнинг хабардорликка асосланган розилик тамоёили, дори-дармон воситаларини клиник синовдан ўтказишда иштирок этадиган кўнгиллилар ҳуқуқлари белгиланганлиги билан чекланган. Замонавий тиббиёт имкониятларини инобатга оладиган бўлсак, бу ҳолатни қониқарли деб бўлмайди. Бунинг сабаби, Ўзбекистонда биоэтика ҳали ҳануз тиббиёт ҳамжамиятининг аксарияти томонидан эътиборга олинмаётганлиги билан боғлиқ бўлиб, афсуски, тиббий хизмат сифатида ҳам бу ҳолат ўз аксини кўрсатаёпти.

Мусулмон тиббий ахлоқшунослиги ва биоэтикаси қадимда ҳам, бугунги кунда ҳам ислом қонунлари ва анъаналарига таянади. Биламизки, жаҳон дини саналган ислом дини ўз манбаларига эга: Қуръони Карим, Шариат ва Ҳадислар. Бу манбаларда инсон ҳаёти ва ўлими масалалари марказий ўринда туради. Мусулмон биоэтикасида ҳам инсон ҳаёти ва ўлимига доир масалалар ўта нозик ҳисобланади. Оллоҳ берган ҳаёт олий неъмат саналади ва ўлим Оллоҳ иродаси билан содир бўлишига қатъий иймон келтирилади. Аммо бугунги тиббиёт имкониятлари аборт, трансплантация, эвтаназия каби тиббий муолажа ва аралашувлар ўлчовли ҳаёт, ўлим мезонларини ўзгартиришга қодир бўлиб, шу билан боғлиқ янги, чигал, зиддиятли, биоэтикавий саволларни юзага келтирмоқда. Бу эса бугунги кун шифокоридан кенг дунёқараш ва юқори ахлоқийликни талаб этади ва инсон ҳаётига турли ракурслардан қарашга, инсон соғлиғи ва ҳаётини олий неъмат деб билишга, уни қадрлашга

олиб келади, пировард натижада, тиббий таълимда таҳсил олаётган талабаларда инсонпарварлик тамойилларини мустаҳкамлайди. Демак, биоэтика умуммаданий кадриятларни ҳимоя қилади, қонунлар кўринишида стандартлаштиради, янги авлод шифокорларига етказди ҳамда тиббий таълимда онтологик, гносеологик, аксиологик, методологик, праксеологик вазибаларни бажаради.

Таъкидлаш лозимки, глобал биоэтика муаммолари Ўзбекистонда кам ўрганилган, айнан шу сабабли таълим тизими амалиётига етарли даражада жорий этилмаган. Ҳозирги таҳликали шароитда Ер юзида инсониятнинг омон қолиш муаммоси ўз қарашларимизни қайтадан танқидий кўриб чиқишга ундайди, яъни технократик тамаддун ўрнига ривожланишнинг биоцентрик йўналиши учун кўрсатмалар ишлаб чиқиш ва жорий этиш мақсадлари билан уйғунлаштиришни тақозо этади.

Мазкур бобда биоэтикавий кадриятларни ишлаб чиқишда ислом дини дунёқараши асос, пойдевор бўлганини инобатга олиб, мусулмон одоби ва ахлоқи, беморга бўлган муомала ва муносабати, шубҳасиз, Ўзбекистон шифокорлари касбий этикаси мазмунига таъсир кўрсатгани ўрганилди. 2005 йил 19 октябрь куни ЮНЕСКО Бош конференциясида қабул қилинган «Биоэтика ва инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси», шунингдек, Ўзбекистонда 2005 йил сентябрда халқаро иштирок билан биоэтика бўйича Биринчи Миллий Конгресс ўз ишини ўтказгани миллий биоэтика ривожда аҳамиятли воқелик саналади. Шунингдек, тадқиқот ишида Ўзбекистонда «биоэтика» фанининг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда замонавий ҳаётда тиббий таълимга кириб келиши тарихи, шарҳи берилди. Ушбу тадқиқот ишида биоэтиканинг миллий, тарихий-маданий ва фалсафий-методологик манбаларини тарихий анъаналар билан уйғун ҳолда ўрганилгани биоэтиканинг шаклланаётган миллий модели миллий кўмиталар фаолияти, биоэтикавий таълим тараққиёти ва муаммолари, тиббий ҳуқуқ, халқаро ҳамкорлик масалалари билан ўзаро боғлиқ ҳолда фалсафий таҳлил этилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда биоэтикавий билим ва тиббий таълимда ғоят аҳамиятли эканлиги, биоэтика фани бўлғуси шифокор-талабанинг маънавий-ахлоқий қиёфасини ривожлантиришда, махсус фаолиятни умуммаданий контекстга йўналтиришда муҳим вазибаларни бажариши ҳамда бўлажак мутахассисларда инсонпарварлик тамойилларини мустаҳкамлаши очиб берилди.

Диссертациянинг «**Таълим соҳасини инсонпарварлаштиришнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган учинчи бобида таълимни инсонпарварлаштиришнинг концептуал аҳамияти назарий-методологик таҳлил асосида очиб берилди. Бугунги кунда давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири юртимизда сифатли соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, аҳолимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат самарасини ошириш саналиб, бунинг учун соҳада улкан ислохотлар олиб борилмоқда ва комплекс шарт-шароитлар яратилмоқда. Тиббий хизмат сифати, нафақат мавжуд моддий-техникавий шарт-шароитлар, янги замонавий техника ва

технологияларга боғлиқ, балки бемор билан жонли мулоқот олиб борадиган шифокорларга, уларнинг маънавияти, масъулияти ва касбий ахлоқига боғлиқ. Бунда тиббий соҳа вакилларининг нафақат билим ва малакалари, балки уларнинг деонтологияси, беморга муносабати, муомаласи, инсонпарварлиги бугунги кунда долзарб бўлган биоэтикавий дунёқарашни тақозо этади. Биламизки, шифокорга хос сифат ва фазилатлар тиббий таълимда, яъни ўқиш жараёнида шакллантирилади ва ривожлантирилади. Соҳадаги нуқсон ва камчиликларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг энг самарали йўли – тиббий таълимда таҳсил олаётган талабалар, яъни эртанги кун шифокорларини, нафақат билимли, балки юксак маънавиятли, бурч ва касбий масъулиятини чуқур англайдиган, инсонни қадрлайдиган юқори ахлоқ эгалари бўлган мутахассисларни тарбиялаш муҳим, стратегик аҳамиятга эга, долзарб вазифа саналади. Шу боис ХХI аср шароитида таълим соҳаларини инсонпарварлаштириш, инсоннинг яхлит маънавий дунёсини шакллантириш ва ривожлантириш учун янги дастурлар яратиш зарурлиги тадқиқотимизда асосланди.

